



Маҳмудхўжа НУРИТДИНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси Қуръоншунослик
ва ҳадисшунослик кафедраси
профессори, фалсафа фанлари
доктори




ҚУРЪОНИ КАРИМ

маъноларининг илмий-изоҳли академик таржимаси

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Қуръоншунослик ва ҳадисшунослик кафедрасида жиддий илмий тадқиқотларни амалга ошириш режалари белгилаб олинди. Жумладан, «Қуръони карим маъноларининг илмий-изоҳли академик таржимаси» устида ишлар олиб борилди. Таржима билан бир қаторда Қуръон каримдаги сўз ва ибораларининг изоҳли луғатини тузиш амалга оширилмоқда. Шу ўринда жаҳон тан олган улуғ аллома аждодларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий мероси она тилимизга таржима этилиб, нашр қилинган, устоз аллома-шайхлар Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Усмонхон Алимов қаламларига мансуб тафсирлар ва Алоуддин Мансур, Абдулазиз Мансур амалга оширган Қуръон маънолари таржималари нашр этилиб, халқимизга етказилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу таржималар халқимизнинг улкан адабий ва илмий бойлигини ўзида акс эттириб, маданияти ва ақлий салоҳияти кун сайин ўсиб бораётган зиёлиларимизнинг эҳтиёжларини, илгарилаб бораётган илм-фан тараққиёти талаб ва мақсадларини ўзида акс эттиради. Унинг маънолари таржималари ҳам ҳар бир макон ва замонга мос, ўқувчининг диний-илмий талабларига жавоб бера оладиган бўлиши керак. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, таржима ҳам, тафсир ҳам субъектив дунёқарашнинг ижодий маҳсулидир. Шу нуқтаи на-

зардан масала моҳиятига ёндашсак, ҳар бир таржимон ёки муфассир ўз фаолияти билан Қуръони карим маънолари оламининг янги қирраларини очиб, китобхонга етказиб бера олгани билан фарқланади. Шундай экан, таржима ва тафсирлар турли даврларда турли халқ ва миллатлар орасида пайдо бўлиши ижтимоий ва илмий зарурат натижасидир. Таржималар ҳар бир миллатнинг маънавий савияси, маданияти талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг ақл-заковати, илмий ва маънавий имкониятларидан келиб чиқиб, айти шу замон одамлари учун тушунарлилик фазилатларини ҳосил этиши зарур. Бу эса, илоҳий Китоб мазмунини қалб эгаларига етказишни осонлаштиради. Ҳозирги кунда ер юзиде бир миллиарддан ортиқ мусулмон араб тилидан бошқа тилларда гаплашади. Араб тилида нозил бўлган Қуръони каримни турли халқларнинг ўз она тилларида ўқиб ўрганиши ва унинг маъноларини чуқур англаши учун шароит яратиб бериш, уларнинг диний конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, тарихи, миллий адабиёти, илмий мероси ва маданий қадриятлари жуда бой ва хилма-хил бўлган диёримизнинг ислом оламидаги юксак ўрни ва нуфузи, шубҳасиз, жаҳон мусулмонларига маълумдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий



анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июль куни «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонида турли мафкуравий таҳдидлардан асраш; мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ҳақида гапирилади. Дин ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар ва табақаларни қамраб олиш имкониятига эга эканлиги ҳаммага маълум. Республикаимизнинг аксарият аҳолиси ислом динига эътиқод қилиши ва унинг кўп қисмини ёшлар ташкил этишини назарда тутадиган бўлсак, юқорида айтилган «мустаҳкам ғоявий иммунитетни шакллантириш» зарурати бугунги мураккаб шароитда алоҳида аҳамият касб этади. Ёшлар билимга чанқоқ, айниқса, диний билимларга бўлган интилишлари ниҳоятда баланд даврда яшаяпмиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кундаги ғоявий кураш майдонларида диннинг қудратли таъсир кучидан ғаразли, вайронкор геосиёсий мақсадларга етишиш йўлида иложи борица фойдаланишга интилаётган диний-сиёсий, экстремистик ва террористик доираларнинг саъйи ҳаракатларини эътибор марказида ушлаб туришимиз,

барча йўналишларда ва биринчи галда давлатимизнинг диний таълим соҳасида олиб бораётган сиёсатининг диққат марказида турган ўта долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Қуръони карим ёрдамида, унинг замиридаги илм ва ҳикматлар воситасида залолат ва адашишдан сақланиб, жаҳолат ва қолоқликдан халос бўлиш мумкинлигига ҳеч кимда шубҳа йўқ. Бугунги кунга келиб, мусулмон ва номусулмон давлатларда маънавий талаб ва қизиқишларини қондириш мақсадида, кимнингдир илмий-тадқиқот йўлларида Қуръони карим маъноларининг таржималари кўп-лаб амалга оширилмоқда. Бу ҳодисага умид назари билан қарамоқ зарур, чунки Қуръон нафақат диний-маънавий илмлар ва ҳикматлар манбаи, балки ҳали инсоният кашф этишга улгурмаган ҳисобсиз кашфиётларни ўз бағрида асраб турган тенгсиз уммондир.

Янгитдан тайёрланаётган таржимага берилаётган ўнлаб илмий изоҳлар ўзбек Қуръон таржимачилигида янги ҳодиса бўлиб, улар асосида ётган илмий янгиликларнинг аксарияти XX асрнинг охири XXI асрнинг аввалига тўғри келади. Машҳур диний манбалар қатори илмий кашфиётлар маълумотининг изоҳлар сифатида жалб этилиши бу ишнинг қадр-қиммати, илмий савиясини, шубҳасиз, юқорига кўтаради, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга мазкур академик таржимада бошқа (араб, рус, инглиз) тиллардаги таржима ва тафсир тажрибалари ижодий ўрганилган, инновацион талаблар асосида замонавий илмий руҳда шакллантирилган.